

# 008-дарс. Мўм, нўн ва бӑ ҳарфлари

20:11 / 18.04.2017 6580

## Режа:

1. Мўм, нўн ва бӑ ҳарфлари
2. Мўм ундоши
3. Нўн ундоши
4. Бӑ ундоши

## Таянч сўзлар ва атамалар

Икки лаб	Тил уч юзаси
Ғунна	Димоғ

## Мўм, нўн ва бӑ ҳарфлари


Мўм ҳарфи ўзига хос шаклга эга. Нўн ва бӑ ҳарфлари ёлғиз ва сўз охирида келганида бир-бирдан фарқли ёзилади. Аммо сўз бошида ва ўртасида уларнинг орасидаги фарқ нуқтанинг шакл устига ёки остига қўйилишида ўз ифодасини топади.

Араб тилида иккита бурун ундоши мавжуд. Улар ҳозир биз ўрганмоқчи бўлиб турган мўм ва нўн товушларидир. Уларнинг бундоқ аталишига сабаб, уларнинг талаффузида димоғ йўли очилиб ҳаво оқими бурун бўшлиғи орқали ташқарига чиқади. Натижада димоғда минғиллоқ товуш ҳосил бўлади ва у мазкур икки ундошнинг таркибий қисмига айланади.

Шунингдек, бу дарсдан қалқала товушларининг биринчиси бӑ товуши ҳам ўрин олган. Сиз қалқала сифатини тўлиқ адо этишни ушбу товуш машқида ўзлаштириб олишга ҳаракат қилинг.

Маълумки, қалқала товушларининг иккитаси истиъло, қолган учтаси истифола ундошларига мансуб. Қалқала қилишда уларнинг мана шу хоссаларини унутмаслик лозим. Айниқса, мустафилларни қалқала туфайли йўғон айтишдан сақланмоқ керак.

## م ундоши



7. Мўм икки лабдан, уларнинг бир-бирига тегиши ва димоғ йўли очилиб, ҳаво у орқали чиқиши натижасида ҳосил бўлади.

Изоҳ: Мўмнинг талаффузида ҳаво оқимининг бир қисми лабларга урилса, кўпроқ қисми бурун бўшлиғи томон йўл олади (суратга қаранг) ва у ерда пинғиллоқ товуш ҳосил қилади. Бу товуш истилоҳда «ғунна» деб аталади. Ўзбек тилидаги «м» товушида ҳам айти шу ҳолат бор. Бироқ мўм ўзбек тилидаги «м»дан кўра аниқроқ ва кўпроқ димоғ, яъни ғунна билан талаффуз қилинади.

## 9-машқ.□

مَ - مِ - مِ


مَ مِ مِ مِ مِ مِ مِ مِ مِ مِ

مِ مِ مِ مِ مِ مِ مِ مِ مِ مِ

مِ مِ مِ مِ مِ مِ مِ مِ مِ مِ

مِ مِ مِ مِ مِ مِ مِ مِ مِ مِ

## ن ундоши



8. ن тил уч юзасининг олд тишлар милкига урилиши ва ҳавонинг аксар қисми бурун орқали чиқиши натижасида ҳосил бўлади.

Изоҳ: Унинг махражи рё махражига жуда ҳам яқин бўлиб, танглайда ундан сал тепароқда, тилда эса сал олдиороқдадир. Унинг талаффузида ҳам худди мўмдаги каби ҳавонинг кўп қисми бурун йўли орқали чиқади ва бурун бўшлиғида ғунна ҳосил қилади. У ўзбек тилидаги «н»дан кўра аниқроқ ва ғуннали айтилади. Уни «л» товушига мойил қилиб талаффуз этишдан эҳтиёт бўлиш керак.

### 10-машқ.□

نْ - نَ - نِ

نَنْ نُنْ نُمْ نَمْ نَنْ نَمْ نَنْ نَمْ نَنْ نَمْ

نَانْ نَمَنْ نَمَنْ نَمَنْ نَمَنْ نَمَنْ نَمَنْ نَمَنْ نَمَنْ

نُونْ نَمَنْ نَمَنْ نَمَنْ نَمَنْ نَمَنْ نَمَنْ نَمَنْ

نَنْ نَمَنْ نَمَنْ نَمَنْ نَمَنْ نَمَنْ نَمَنْ



بېج° باب° بُتُبُت° بُت° بُت° بُزُبَز° بُز° بُز°

### Мулоҳазалар:

- Юқорилаги сатрлардан маълум бўладики, мўм ва нўн товушлари икки қисмдан – махраждан ҳосил бўладиган товуш ва димоғдаги ғуннадан таркиб топган мураккаб товушлардир.
- Мазкур икки ундошдаги ғунна – минғиллоқликни ўз меъёрида тутиш керак. Агар кўпайиб кетса, улар фақат ғуннадан иборат бўлиб қолади.
- Ушбу икки бурун товуши сокин бўлганида қалқала қилиб тебратиб айтишдан сақланиш керак.
- Қалқала нутқ аъзоларининг ўзаро тўқнашувидан сўнг, бир-биридан кескин узоқлашиши натижасида юзага келади. Шу боис у фақат ундош сокин бўлганидагина ижро этилади. Бинобарин, унда бирор ҳаракат пайдо бўлиб қолишидан сақланиш даркор.
- Қалқала мазкур беш қалқала ундошининг талаффузини енгиллаштиради ва уларни равшан ҳосил бўлишини таъминлайди.
- Бў ундошини қалқала қилганда йўғон ёки иккита қилиб айтишдан эҳтиёт бўлиш лозим.

### 16-топшириқ:

- م , ن ва ب товушларининг махраж ва талаффузини айтиб беринг  
Қуйидаги саволларга жавоб беринг:
- م , ن ва ب товушлари қайси ундошлар туркумига мансуб?
  - م ва ن товушлари қандай хусусиятга эга?
  - ғунна нима дегани ва у қаердан чиқади?
  - ғунна қачон ва қандай ҳосил бўлади?
  - م ва ب товушлари икки лабдан айтилсада икки хил ҳосил бўлади, айтингчи, уларнинг ораларида қандай фарқлар мавжуд?
  - ب қандай хусусиятга эга?